

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17- йил чиқиши.

№ 25 (4272).

5 ФЕВРАЛЬ ПАЙШАНБА 1970 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

Иттифоқимиздаги йирик кимё корхоналаридан бири— Олмалиқ кимё заводи мунтазам суратда маҳсулот бермоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган фосфорли ўғитлар республикамиз пахтакор хўжаликларига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Мазкур корхонани ғоят қисқа муддат —бир йил ичида фойдаланишга топширган азамат қурувчиларнинг ғайрат ва матонати таҳсинга сазовордир. Суратларда: юқорида гигант заводнинг умумий кўриниши. Пастдаги суратда эса технолог П. Смирнов (чапда), аппаратчи М. Хамурзинов ва цех бошлиғи З. Тимофеева ўртоқлар маҳсулот анализи ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

ХАТГА ЭЪТИБОР —ЭЛГА ЭЪТИБОР

Партия, совет ва хўжалик органларига, редакциялар ва турли бошқа ташкилотларга ҳар куни ўнлаб, юзлаб хат, ариза, шикоят ва телеграммалар келади. Меҳнаткашлар ўзларининг бундай хатларида халқ хўжалигини ривожлантиришдаги муваффақиятлар ва камчиликлар ҳақида қувонч билан ёзадилар, ёхуд турли хил воқеаларга ўзларининг муносабатларини билдирадилар, талабаларимизни мустаҳкамлаш, нуқсонларни бартараф қилиш тўғрисида қимматли маслаҳатлар берадилар.

Коммунистик жамият қуриш манфаатлари, доҳий В. И. Ленин васиятларини амалга ошириш вазифалари жамоатчилик фикри кучидан, меҳнаткашлар томонидан тушаётган қимматли таклиф ва мулоҳазалардан кенг ва моҳирлик билан фойдаланишни тақозо этади. В. И. Ленин зарур масала юзасидан исталган вақтда омманинг кайфиятини, талаб ва эҳтиёжларни, фикрларнинг нимага қаратилганини аниқ билиб олмоқ учун жамоатчилик фикрини мунтазам, чуқур ўрганиб бориш зарурлигини уқтириб ўтган эди.

Меҳнаткашлардан олинган хат, ариза ва шикоятлар замирида халқ ва давлат манфаатлари ётади. Улар жўш ураётган мазмунли ҳаётимизнинг умумий манзарасини яхшироқ кўришда, айрим кишиларнинг, баъзан бутун бир коллективларнинг фикрларини ва ўйларини очиқроқ англашимизда катта ёрдам беради. Одамларни қандай муаммолар тўлқинлантираётганини, турли масалалар хусусида қандай фикрлар юритаётганини билиб олишда халқдан келаётган хат-хабарлар муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шу боисдан ҳам КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқиш ва уларни қабул қилишни уюштириш ишларини яхшилаш тўғрисида»ги қарорида хат — партия билан халқ ўртасида мустаҳкам алоқанинг кучли воситаси, меҳнаткашлар оммасини жамоат ишларига жалб этишнинг энг яхши формаси, партия Марказий Комитетига, партия матбуот органларига жойлардаги аҳвол ҳақида йўлланаётган ахборотнинг ишончли манбаи деб баҳоланди.

Яқинда область ижроия комитетида меҳнаткашлардан тушган хат, ариза ва шикоятларга муносабат ва улар билан ишлаш масаласи кўриб чиқилди. Унда ўтган 1969 йил давомида область ижроия комитетига 904 та хат ва ариза тушганлиги, уларнинг кўпчилиги меҳнаткашлар фойдасига ҳал қилинганлиги қайд қилинди. Хат эгалари квартира ажратиб беришда ёрдам сўраб, яшаш шароитларини яхшилаш, маданий-маиший хизматнинг қониқарсизлиги, қишлоқларимизнинг ободончилиги ва бошқа масалалар бўйича хат ва аризалар билан мурожаат қилганлар.

Шунингдек шаҳар ва район ижроия комитетлари сўнгги пайтларда аҳоли билан алоқа қилишнинг янги формаларидан фойдалана бошлаганлиги ҳам таъкидланди. Ижроия комитет аъзолари меҳнаткашларни бевосита жойларнинг ўзларида қабул қила бошладилар. Бу усул кишиларнинг турли масалаларга оид фикрларини билиб олишда ижобий натижалар бермоқда.

Ариза ва шикоятларни ўз муддатида кўриб чиқиш, сансалорликка йўл қўймаслик, иш моҳияти юзасидан тегишли чора-тадбирларни вақтида кўриш соҳасида ҳам бирмунча намунали ишлар қилинмоқда. Янгийўл, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ ва Бўстонлиқ районларидаги идора ва ташкилотларда масаланинг айни мана шу томонларига алоҳида эътибор берилаётганлиги қувончлидир.

Афсуски, баъзи ташкилотларда ҳанузгача меҳнаткашларнинг хат, ариза ва шикоятларига муносабат юзасидан айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилиб келинмоқда. Бундай пайтларда ёрдам ва нажот изламоқда, ноилоҳ, кишилар ранжиб қолмоқдалар, оқибатда юқорига ташкилотларга қайта-қайта ёзишга мажбур бўлмоқдалар.

Калинин районидаги Хонобод қишлоғида истиқомат қилувчи В. В. Мезина ва бошқалар ўтган йили қишлоқ ободончилиги масаласи юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирди, район ижроия комитетига мурожаат қилдилар. Уларнинг таклифлари жавобсиз қолдирилгач, қишлоқ аҳли «Правда Востока» газетасига ёзишга мажбур бўлди. Шундай қилиб бир аризани кўриб чиқиш учун 115 кун сарфланди. «Ташсадвинсовхоз» трести раҳбарлари эса Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхозининг Чақчам участкасини электрлаштириш масаласини бир неча йиллардан бери турли баҳоналар билан чўзиб келмоқдалар.

Ҳар бир хат — халқдан келган маслаҳат, деб бежиз айтилмаган. Шунинг учун ҳар бир ташкилот, уларнинг раҳбарлари, ходимлари халқ овозига қулоқ солишлари, меҳнаткашлардан келган хат шикоят ва аризалар билан ишлашда қатъий тартиб ўрнатишлари, кўтарилган масалаларга ленинча принципиаллик, партиявий кўз ва ҳушёрлик билан қарашлари талаб этилади. Улар жойларга бориб камчилик ва шикоятларни келтириб чиқарган сабабларни чуқур ўрганишлари, сўнгра оқилона тадбир кўришлари ва маслаҳатлар беришлари лозим.

Хат, ариза, шикоятларни текшириш, хулоса чиқариш, муҳокама қилишда юзакничликка, ўзибўларчиликка ва расмиятчиликка мутлақо йўл қўймаслик. Ҳар бир хат, ариза ва шикоят эгаси лўнда, аниқ, қисқа ва мазмунли жавоб олганидагина мамнун бўлади.

Хатга эътибор — элга эътибор, дейди халқимиз. Хатлар билан ишлаш масаласи ташкилотлардан, уларнинг раҳбарлари ва ходимларидан қатъият, масъулият ва ўз ишига муҳаббат талаб қилади. Ҳар бир хатга, ариза ва шикоятга алоҳида эътибор билан қарайлик. Бинобарин, ҳар бир хат орқасида оқил маслаҳатгўй ўз ишининг ҳақлигига ишонган совет киши-си туради. Бу ишончни оқлаш партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ходимининг шарафли бурчидир.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ЯНВАРЬ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Республика Марказий статистика бошқармасининг маълум қилишича, Ўзбекистон саноатининг ходимлари В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақага қўшилиб, саноат маҳсулотини реализация қилиш бўйича 1970 йилнинг январь ойи планини муваффақиятли бажардилар. Пландагидан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1969 йилнинг январидагига қараганда 14 процент кўпайди. Пландагига қўшимча равишда кўп миқдор электр энергияси ҳосил қилинди, кўмир, нефть ва газ қазиб чиқарилди, қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғит, цемент, шифер, дераза ойна, тозаланган нефть маҳсулотлари, шойи газлама, ички трикотаж, пайпоқ, пахта толаси, ўсимлик мойи, консерва, рўзғор холодильниклари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

(ЎзТАГ).

ҚАҲРАМОН БОШЛИҚ БРИГАДАДА

ТУЙТЕПА (телефон орқали олинди). Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг деҳқонлари В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб меҳнат ғалабалари билан нишонлаш учун курашяптилар. Бу ерда кўкламга тайёргарлик қизғин тус олди.

Дала ишларини пухта ташкил қилишда, тракторларни тезроқ ремонтдан чиқаришда, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Николай Ли бошчилик қилаётган бригада аъзолари пешқадамлик қилаётирлар. Бу ерда ирригация шохобчалари тозаланди. Тракторлар ремонти ҳам тез кетаяпти. Бригада механизаторлари ўтган ойдаёқ ҳайдов тракторларини ремонтдан чиқариб, тахт қилиб қўйишган эди. Шундан кейин иш яна ҳам тезлашди. Тракторчилар сеялка ремонтига киришдилар. Бу иш ҳам яхши якунланди. Культиваторлар ремонти тугалланай деб қолди. Бригада механизаторлари экиш агрегатларининг ҳаммасини 20 февралгача ремонтдан чиқариш ниятидалар.

ИБРАТЛИ ИШ

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Коммунизм» колхозида далаларга гўнг чиқаришни тезлаштириш мақсадида ўғит ташиш билан шуғулланадиган махсус бригада ташкил этилди. Бу бригадага етарли ишчи кучи ва анча миқдорда техника ажратилди. Бригадага аравали прицеп трактори берилиши, ўнта юк машинасининг ажратилиши билан маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишлари кучайиб кетди. Қисқа вақт ичида 4 минг тоннага яқин маҳаллий ўғит чиқариб қўйилди. Б. Асқаров, Т. Эрматов, У. Махаматов каби тинмай-тинчимас механизаторлар кундан-кунга суръатга-суръат қўшиб топшириқни ортиқ-ча бажармоқдалар.

Ўғит чиқариш, уни ҳосилга кам ерларга солиш ишлари агроном назорати остида ўтказилаяпти.

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Ленин номли колхознинг парник хўжалигида помидор ғарқ пишган. Бу ерда ҳар куни ўнлаб килограмм помидор шаҳарнинг ошхона ва ресторанларига жўнатиб турилибди. Суратда: илғор ишчи Назар Муталов.

А. Абалян фотоси.

КОЛХОЗ УСТАВИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Колхозларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари

Бултур пахта, шоли, полиз ҳамда сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида ёз бўйи фидокорона меҳнат қилган «Партия XXII съезди» колхоз аъзолари ижобий натижаларга эришдилар. Яқинда шу колхозда йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Колхоз раиси У. Абдуллаев ўтган хўжалик йилида қилинган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

Акром Болтабоев бошлиқ звено аъзолари 30 гектар тўқай ернинг ҳар гектаридан 22,8 ўрнига 32,6 центнердан ҳосил кўтардилар. Бу звенода даромад бир киши кунига 5 сўм 70 тийинга тўғри келди. Звено бошлиғининг ўзи планда кўзда тутилган 1200 сўм ўрнига 2653 сўм даромад олди.

Ғўза ўз вақтида, сифатли парвариш қилинган, ҳосилнинг асосий қисми машиналарда теріб олиниб, юқори сортларга сотилгани сабабли звено бошлиғининг ойлик иш ҳақи 222 сўмга тўғри келди.

Аммо, ўртоқ Холмат Пардаев бошлиқ звенода аҳвол бунақа эмас. Звенода пахта тайёрлаш плани бажарилган бўлсада даромади анча кам. Парвариш яхши бўлмагани учун ғўза кеч ҳосил олган, пахта давлатга паст сорт билан топширилганди. Шу туфайли иш ҳақи киши-кунига 3 сўм 30 тийиндан тўғри келди.

Колхозда 760 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,7 центнердан хирмон кўтарилди. Бироқ, етиштирилган пахта, шоли, картошка ва сабзавот маҳсулотларининг таннархи йилдагидан бирмунча ошиб кетди.

Деҳқончилик соҳасида белгиланган планлар бажарилган бўлса ҳам чорвачилик тармоғидаги ишлар кўнгилдагидек бўлмади. Масалан, чорвачиликни ривожлантиришга етарли эътибор берилмай, давлатга ғўшт топшириш 53 процент бажарилган, холос.

Мажлисда сўзга чиққан колхозчи Т. Йўлбарсов, агроном А. Калонов, бригада бошлиғи И. Мусаев, звено бошлиқларидан М. Хаитова, сувчи Ф. Изоев ва бошқалар хўжаликда эришилган ютуқларни қайд қилиб, мавжуд камчиликларни кўрсатдилар. Жумладан, улар колхозда алмашлаб экишга яхши аҳамият берилмаётгани, 15—20 йил илгари экилган ва сийраклашиб кетган беда борлигини, тўла гектар учун астойдил курашилмаётгани, сувдан палапартиш фойдаланиш ҳоллари борлиги, қишлоқни ободонлаштириш масаласига эътибор берилмаётганини айтиб, колхоз правлениесини танқид қилдилар.

Колхозчиларнинг умумий йиғилиши правление ҳамда тафтиш комиссиясининг ўтган хўжалик йилида олиб борган ишига қаноатланарли, деб баҳо берди. Шундан кейин йиғилиш қатнашчилари колхознинг шароитига мослаб ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик артели Уставини тасдиқладилар. Колхознинг янги Уставига мувофиқ, эркаклар учун меҳнат минимуми 225 иш куни қилиб белгиланган. Шундан 30 кун йилнинг биринчи кварталида 75 кун 2-кварталда, 80 кун 3-кварталда, 40 куни 3-кварталда бажаридиги лозим. Боласиз аёллар учун меҳнат минимуми 195 иш куни, 3 тагача боласи бўлган аёллар учун 155 иш куни, 3-группа инвалидлар учун 120 иш куни қилиб белгиланди.

Уставга мувофиқ, меҳнат минимумини бажарган колхозчиларга 15, чорва ходимлари ва шофёрларга 18, механизаторлар, колхоз раҳбарлари, ҳамда бригада бошлиқларига 24 иш куни меҳнат отпускаси берилади.

Колхозчилар томорқа хўжалиги қуйидаги тартибда иш олиб боради. Хўжаликда 1 киши ишласа, 7 сотих, 2 ва ундан ошиқ киши ишласа (уй-жой ўрни билан) 15 сотих томорқа участкаси берилади. Колхозчи хонадони битта сигир (бузоғи билан), икки ёшли тана, 5 тагача қўй-эчки боқишга ҳақлидирлар.

Колхозчиларнинг умумий йиғилиши ўз самарали меҳнатлари билан танилган кишилардан Аҳмаджон ота Мадалиев, Абдужалил Абдураҳмонов, Мамадисоқ Халилов, Назира Ойнақулова, Анорбой Мирназаров, Абдураҳмон Абдуранмов; Парпибой Бозорбоев ўртоқларга «Хизмат кўрсатган колхозчи» деган фахрий унвон берилишини маъқулладилар.

Т. ИЎЛДОШЕВ.

Олимлар—шонли санага

Бутуниттифоқ пахта селекцияси ва уруғчилиги институтининг олимлари КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига» бағишлайган Тезисларининг кенг оммага тушунтиришда ибратли ишлар қилмоқдалар.

Бу ишни институт партия бюроси план асосида ташкил этган. 100 га яқин илмий ходим, агротехник ва ишчи-хизматчилардан иборат сиёсий ахборотчи, пропагандистлар Тезислар бўйича ўтказилаётган лекция, суҳбатлар, савол-жавоб кечаларида иштирок этишмоқда. Улар орасида қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари А. Автономов, Ф. Саъдуллаев, илмий ходимлардан К. Маҳмадалиев Т. Шаропов ва бошқалар бор.

Олимлар иштирокида «В. И. Ленининг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» асарининг жаҳон коммунистик ҳаракати жиспслашувидаги аҳамияти», «В. И. Ленининг «Давлат ва революция» асари», «Меҳнатни илмий ташкил этиш ҳақида доҳий кўрсатмалари», «Ленин адабиёт ва санъат ҳақида каби темалар бўйича ўтказилган лекция ва суҳбатлар тингловчиларда яхши таассурот қолдирди. Партия бюроси қўшни қишлоқ ва маҳаллларда ҳам ана шундай суҳбат ва лекциялар уюштирмоқда.

Б. АЗИЗОВ.

ЯНГИ УЙЛАР

Бундан бир неча кун илгари «Марказ-5»да саратовлик бинокорлар 9 қаватли 56 квартирали турар-жой биносини, болалар кийим-кечаги, зоология, китоб магазинларини қуриб битказган эдилар. Янги уйларга кўчиб келган Қ. Пўлатов, М. Султонов, С. Шоназаров, М. Алексеев каби ишчи-хизматчилар қўлларини кўксиларига қўйиб шундай ажойиб бино ҳадя этган қурувчиларга раҳмат демоқдалар.

«Марказ-5»да, Самарқанд кўчасида Новосибирск қурилиш поезди азаматлари сўнгги 9 қаватли 63 квартирали бинолارини қуриб бердилар.

— Бугун-эрта комиссия бинони қабул қилиб олгач, қадрдон бўлиб қолган тошкентлик дўстларимиз билан хайрлашамиз,— дейди Новосибирск қурилиш поезди бошлиғи П. К. Шушканов.

С. СУЛТОНОВ.

Цейлон мустақиллиги куни шарафига

3 февралда бўлиб ўтган Тошкент жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши Цейлон мустақил деб эълон қилинган куннинг йигирма икки йиллигига бағишланди. Совет — Цейлон дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлими правлениесининг аъзоси Т. А. Абдураимов Цейлоннинг мустақиллик куни тўғрисида доклад қилди.

Совет — Цейлон дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлимининг коллектив аъзолари бўлган Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг ва «Ўзбексельмаш» заводининг вакиллари ўз нутқларида Тошкент меҳнаткашлари номидан миллий байрами муносабати вилан Цейлон халқига табриклар йўлладилар. Цейлон вакили—Тошкент давлат университетининг студенти Сриянаниде Неттасингх йиғилганларга самимий табриклари учун миннатдорчилик билдирди.

Йиғилиш қатнашчилари Коломбодаги Цейлон—Совет дўстлиги уюшмаси номига табрик телеграммаси йўлладилар.

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

3 февралда Москвада СССР Фанлар Академиясининг умумий йиғилиши очилди. Йиғилишда мамлакатимизнинг энг йирик олимлари, саноат вакиллари, тармоқ тадқиқот марказларининг раҳбарлари қатнашмоқдалар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев ва КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Соломенцев иштирок этмоқдалар.

СССР Фанлар Академиясининг президенти академик М. В. Келдиш биринчи бўлиб доклад қилди. У СССР Фанлар Академиясининг техника тараққиёти билан боғлиқ бўлган вазифалари тўғрисида гапириб берди.

(ТАСС).

ИЛЬИЧ ҒОЯЛАРИДАН ФАРОВОН ЎЛКА

Кеча «Билимлар уйи»да бадиий ва ҳужжатли фотосуратлар республика кўргазмаси тантанали суратда очилди. Кўргазма Ўзбекистон фотожурналистларн асарлари асосида ташкил этилган бўлиб, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган. Кўргазмани Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари, «Коммунист» журналининг бош муҳаррири А. Д. Ивахненко қисқача кириш сўзи билан очди.

Кўргазмани очиш маросимида Тошкент шаҳар жамоатчилигининг вакиллари, журналистлар ҳозир бўлдилар. Қуйида сиз махсус мухбиримизнинг кўргазма залидан ёзиб келган репортажини ўқийсиз.

Бу икки стендни тўлдирган фотосуратлар Ильич ҳаётидан ҳикоя қилади. Ҳар бир суратнинг ўз тарихий мазмуни бор. Улар киши кўз ўнгида асримиз йилларини бир-бир намоён этади. Ҳар бир йил эса бевосита қадрдон Ильич ҳаёти билан боғланган.

Республика журналистлар Союзи уюштирган бу кўргазма улуғ доҳий туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган. «Ленин ғоялари яшамоқда ва ғалаба қилмоқда» деган мавзу кўргазма шиоридир.

Кўргазма залига 50 муаллифнинг 250 дан ортиқ асари қўйилган. Ўз суратларини тақдим этганлар орасида профессионал расмчилар билан бир қаторда, хаваскорлар ҳам бор. Расмларни танлаш, тайёрлаш ва томошабинларга тақдим этишда Ўзбекистон ССР журналистлар Союзи ҳузуридаги ижодий фотостудия ходимлари алоҳида хизмат кўрсатишди.

Ўзбекистон журналистлар союзи бадиий ва ҳужжатли фотосуратлар кўргазмасида

Стендлар оралаб расмларни кўздан кечирамиз. Мавзу жиҳатидан улар ранг-баранг. Халқ хўжалиги ва маданиятимизнинг ҳамма тармоғи тўлалигича қамраб олинган. Композицион жиҳатдан ҳам фотолар бир-бирини такрорламайди. Ҳар бир ижодкорнинг ўз услуби ва маҳорати сезилиб турибди.

Кекса расмчи Исаак Збарский ижодига мансуб суратлар республикамиз оша Иттифоқимизда ҳам кенг шуҳрат қозонган. Унинг «Тошкентни бутун мамлакат қуряпти» циклидаги фотосуратлари Москвада бўлиб ўтган «Совет ҳокимияти 50 ёшда» кўргазмасида мукофотли ўринни эгаллаган. Айрим портретлар эса (жумладан балет рақкосаси Бернора Қориева портрети) Бутуниттифоқ фотокўргазмасининг дипломини олган. Бугун у ўзининг Тошкент қурилиши мавзуидаги расмларини томошабинларга тақдим этган.

Расмлар мазмунан бир-бирини тўлдириб боради. Юқоридаги биринчи суратда 1966 йил 26 апрель тонги тасвирланган бўлса, ундан кейинги кадр янги Тошкент қурилиши бошланганлигидан дарак беради. Дўстлар қўли билан бунёд этилган кўркам кварталлар кўз ўнгида намоён бўлади. Қуйида эса «Баҳор» қизлари «Шодлик» рақсини ижро этишаётган пайтлари тасвирланган. Дўстлик ва жасорат шаҳридаги меҳнат ва шодлик мана шу зайлда тўлиқ мазмун касб этган.

Михаил Комлев эса «Ишчи жаноби олийлари» серияларидаги расмларидан бир нечасини томошабинлар эътиборига ҳавола этган. Муаллифнинг Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонти заводидан олган суратида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, токарь Абдушукур Қодировнинг рус йигитига ўз ҳунарини ўргатаётган пайти ифодаланган. Иккинчи суратда эса ветеран ишчилардан С. Нуриев билан В. Хихлушко ўртоқлар елкама-елка туришибди. Ўзбек ва украин ишчиси корборун заводида дўстлашишган, меҳнат қилиб обрў-эътибор топишган.

Саноатимиз захматкашлари кўрсатаётган фидокорлик Валентин Лейзерович, Анатолий Горокрик, Исаак Глауберзон ва бошқа фотомухбирлар асарларида ҳам ўз аксини топган. «Биринчи эритма», «Ўзбек нефти», «Қум карьери», «Зангори кема» деб номланган фотолар ғоятда жонли ва таъсирли чиққан.

Кўргазма стендларидан каттагина ўринни пахта далаларидан олинган фотосуратлар эгаллаган. Бу соҳада айниқса Александр Абалян, Қўчқор Розиқов, Шукри Османов ўртоқлар кўпроқ ижод қилишган. А. Абаляннинг «Мўл ҳосилни кўзлаб», «Теримчи қиз» фотолари, Қ. Розиқов, Ш. Османовнинг пахта йиғим-терими кампанияси давридаги долзарб дамларни ифодаловчи суратларида ўзбек деҳқонлари кўрсатаётган ғайрат ва шижоат ҳикоя қилинади.

Ленин ғоялари туфайли чароғон ўлкага айланган республикамиз манзаралари, фан ва маданияти фотомухбирлар эътиборини ўзига тортган. Залга қўйилган суратлар илғор фан ва маданиятимиз намояндалари ҳаётидан бир лавҳадир С. Маҳкамовнинг Ойбек ижодий лабораториясидан олган расмлар серияси, Р. Шамсуддиновнинг СССР халқ артисти Шукур Бурхонов портрети, Григорий Пуннинг профессор Шокиров портретида ижод аҳлининг ички туйғулари, хаёл ва ўйлари тўлалигича ифодаланган.

Бадиий ва ҳужжатли фотосуратлар республика кўргазмаси залига қўйилган расмлар Ленин ғояларининг барҳаётлиги ва голиблигини ифодалаб турибди.

Ж. НОСИРОВ.

Суратларда: кўргазма залига қўйилган экспонатлар репродукцияси кўриб турибсиз.

А. Абалян фотолари.

КОММУНИСТ МАКТУБЛАРИ

Коммунист! Бу ном мағрур янграйди. Коммунистлар халқимизнинг энг илғор, энг онгли фарзандлари, янгиликлар, яхши ташаббуслар, тажрибаларнинг тарғиботчиларидирлар. Коммунист қайси бир соҳада, қайси бир лавозимда ишламасин, у аввало жамиятга, умум ишимизга, кўпроқ фойда келтириш ҳақида ўйлайди, фикр юритади, изланади.

Коммунистлар партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, хўжалик ва маданий қурилишда актив иштирок этиш билан бирга партия турмушининг ленинча нормалари, коллектив раҳбарлик ва ишчанлик, партия мажлисининг тарбия мактаби сифатидаги ролини кўтариш, партия ички демократияси, давлат ва меҳнат интизоми, коммунистнинг активлиги ва ташаббускорлиги, ўз-ўзини танқиди ҳартарафлама ривожлантириш ва бошқа қатор масалалар ҳақида ҳам қайғурадилар.

Халқ хўжалигимиздаги ютуқлар, муаммолар, йўл қўйилаётган айрим камчиликлар, партия турмушига оид масалалар ҳақида қимматли фикр ва мулоҳазалар баён этилган мактублар редакциямизга кўплаб келиб турибди.

Бугундан бошлаб биз ана шу мактублардан намуналар бериб борамиз ва шу билан бирга барча коммунист ўртоқларни ўзларини қувонтираётган ютуқлардан ёзадилар ҳамда кўпчиликни ҳаяжонга солаётган муаммолар, бошланғич партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини янада оширишга оид фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан газетамизда актив иштирок этадилар деб умид билдирамиз.

АГАР ХОҲИШ БЎЛСА...

Мен кекса коммунистлар авлодига мансубман. Ўн йил бошланғич партия ташкилотига секретарлик қилдим. Беш йилдан буён эса совхоз партия комитети аъзосиман.

Совхозимиз партия ташкилоти ҳисобида 88 КПСС аъзоси ва 7 КПСС аъзолигига кандидат бор. Кекса коммунистлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар ўзларининг бой тажрибаларини ёшлар билан ҳамиша баҳам кўриб келаяптилар. Биз бошланғич цех партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, уларнинг жанговарлигини оширишда, перспектив иш планларини тузишда партия комитетига қўлимиздан келганча ёрдам бериб келаяпмиз.

Партиявий иш — ижодий иш. Кўпйиллик тажриба ва кузатишлар натижасида мен бунга қатъий ишонч ҳосил қилдим. Ана шу хусусда баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман.

Гап шундаки, айрим ҳоллларда партия ташкилоти секретарлигига бу ишга унча ҳоҳиши бўлмаган, бироқ хўжалик ходими сифатида яхши обрў қозонган кишилар тавсия этилади.

Тажриба шуни кўрсатдики, бундай қилиш кўпинча кўнгилдагидек натижа бермайди. Ишлаб чиқаришда илғор бўлган хўжалик ходими, ҳамма вақт ҳам яхши партия ходими бўла олмайди. Тўғри, унга ёрдам берадилар, ўргатадилар, унинг ўзи ҳам партиявий ишни ўрганишга ҳаракат қилади. Бироқ, янги вазифага кўникма ҳосил қилгунча орадан кўп вақт ўтиб кетади. Оқибатда, партия ташкилотининг иши анча оқсаб қолади.

Ёки партиявий топшириқни олайлик. Партия топшириғи — тарбиянинг муҳим воситаси. Лекин, кўп ҳолларда бу муҳим воситадан ўринли фойдаланмаймиз. Айрим коммунистлар зиммасига бир йўла 2—3 вазифа юклатиб қўйилади. Натижада улар бу вазифаларнинг биронтасини ҳам кўнгилдагидек бажара олмайдилар. Сабаби сўралганида, вақт етишмаганлигини айтадилар. Оқибатда, расмиятчилик содир бўлади. Партия топшириғининг тарбиявий таъсири йўққа чиқади. Айрим коммунистлар эса бутунлай топшириқсиз қолиб кетишади.

Ҳар бир коммунист партия топшириғига эга. Бу топшириқнинг бажарилишини назорат қилиб бораяпмиз. Партия ташкилоти секретарлигига комсомол ишида чиниққан, партия ташкилоти ёки комитет составида бўлиб сиёсий-оммавий ишларда актив қатнашиб, жамоатчи сифатида ном чиқарган кишилар сайланмоқда.

Шунинг учун ҳам цех бошланғич партия ташкилотларининг барчаси кундалик вазифаларни юксак фаолият билан ҳал этмоқдалар. Совхоз меҳнаткашлари, барча коммунистлар доҳий Ленин юбилейини моддий бойликлар яратиш, турмуш маданиятини юксалтиришда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан кутиб олиш учун қурашмоқдалар, коммунистлар илҳомлантирувчи куч ва ташаббускорлик ролини ўйнамоқдалар.

Хулоса қилиб яна айтмоқчиманки, партиявий ишга иложи борича шу ишни севган, унга ҳоҳиши бўлган, сиёсий жиҳатдан чиниққан кишиларни кўпроқ жалб этиш, сайлаш керак. Ана шунда партия ташкилоти ўз олдига қўйган вазифаларни бажаришда муваффақиятларни қўлга киритаверади.

Қосим БОБОХЎЖАЕВ,
Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» совхозининг ишчиси, кекса коммунист.

ТОПШИРИҚ ВА МАСЪУЛИЯТ

Колхозимиз партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин айтиш керакки, ана шу қисқа муддатда ишимизда бирмунча ўзгаришлар рўй берди. Партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишлар анча жонланди. Партия комитетининг ишлаб чиқаришга раҳбарлик роли ортди, ташкилотчилик фаолияти жанговар бўлиб қолди.

Эсимда, ҳисобот-сайлов йиғилиши жуда суст бошланди. Партия комитетининг секретари Жўра Камоловнинг доклади кўпроқ хўжалик раҳбарининг ҳисоботига ўхшаб кетарди. У ишдаги ютуқларни бирма-бир санади, лекин ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳосилдорликни кўтариш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ишига коммунистлар қўшаётган ҳисса, партия комитетининг бу соҳада олиб борган ташкилий ишларига атрофлича тўхталмади.

Бу ҳол мажлис қатнашчиларини қаноатлантирмади. Ахир колхозда йил сайин юқори ҳосил етиштириб, хўжаликка кўп миқдорда даромад келтираётган бригада ва звенолар билан бирга планни уддалай олмаётган, хўжаликнинг зиёнига иш юритаётган бригадалар ҳам йўқ эмас-да! Партия комитетининг таъсир кучи қани ўзига?

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ишбилармон, кишилар қалбига йўл топа оладиган кадрлар ишлаб чиқаришга бошчилик қилган жойларда муваффақият қозонилмоқда. Аксинча қуруқ ваъдабозлик, буйруқбозлик, расмиятчилик билан иш юритиб бўлмайди.

Коммунист Ғулом Чўйбеков кўп йиллардан буён сабзавотчилик бригадасига бошчилик қилади. Жонкуяр, ташаббускор, тажрибали деҳқон. Деҳқончилик соҳасида бирор янгилик, илғор тажрибани сезиб қолди дегунча уни ўрганмасдан, ўз бригадаси шароитида қўлланмасдан кўнгли тинчимайди. Коммунистик бурч шунга ундайди уни. Шу туфайли ҳам ўтган йили бригада ишлаб чиқариш планини анча ортиғи билан бажарди. Бригада бўйича 3 минг сўмдан кўпроқ қўшимча даромад олинди. Соф фойда эса 32 минг сўмни ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда бригада аъзолари сметадагидан ортиқча сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига 4—5 сўмдан фойда олдилар. Кўриниб турибдики, ишбилармонлик, келгусини ўйлаб фикр юритиш бригадага катта фойда келтирди.

Афсуски, Ғулом Одилов бошчилик қилган бригадада бунинг аксини кўрамиз. Бу бригада кўп йиллардан буён ишлаб чиқариш планини бажара олмаётир. Бу йил ҳам оқсади.

Докладда ана шунга ўхшаш камчиликларнинг сабаблари партиявий нуқтаи назардан очиб берилмади. Бу демак, резервлар, имкониятлар тўла кўрсатилмади.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи энг муҳими шундаки, партия комитетининг секретари йиллик ҳисобот-сайлов йиғилишида партиявий-ташкилий ишлар, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик роли ҳақида қаноатланарли ҳеч қандай гап айта олмади. Бунинг боиси бор, албатта. Партия комитети ўз фаолияти даврида коммунистлар ўртасида партиявий интизомни мустаҳкамлаш, уларда топширилган ишга нисбатан масъулият ҳиссини оширишга етарли эътибор бермади.

Айрим партия ташкилотларига тааллуқли бир «касал»лик бор. Бу касаллик шундаки, мажлисларда, бюро йиғилишларида ишлаб чиқаришга раҳбарликни яхшилаш, у ёки бу бригаданинг илғор иш тажрибасини оммалаштириш, ташаббусни қўллаб-қувватлаш, коммунистларнинг масъулиятини оширишга қаратилган яхши-яхши қарорлар қабул қилинади, бажариш муддатлари белгиланади. Бунинг учун масъул кишилар тайинланади. Лекин кейинчалик бу қарорлар қоғозда қолиб кетаверади.

Демоқчиманки, бундай касаллик бизнинг партия комитетимизга ҳам тааллуқли бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, ана шу соҳадаги жиддий нуқсонлар очиб ташланмади. Партия комитетининг фаолиятига танқидий кўз билан қаралмади. Цех партия ташкилотлари, партия группаларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаб, уларнинг сиёсий ташкилотчилик фаолиятини кучайтиришга кам эътибор бердилар.

Колхозимиз партия ташкилоти ҳисобида 66 КПСС аъзоси ва 5 КПСС аъзолигига кандидат бор. Ҳисобот даврида хўжалик ишлаб чиқаришнинг турли участкаларида 11 цех партия ташкилоти ва 2 та партия группаси иш олиб борди. Улар коммунистларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, кишилар билан ишлаш, уларни коллектив олдида турган хўжалик вазифаларини бажаришга сафарбар этишда катта имкониятларга эгадирлар.

Партия группалари — бошланғич партия ташкилотининг таянчи, ишлаб чиқаришга, ҳаётга, одамларга бевосита яқин турган бу ташкилотлар илғор деҳқонлар, чорвадорлар, механизаторларни КПСС сафига қабул қилишлари мумкин.

Бироқ, кўпгина цех партия ташкилотларининг иши қониқарли бўлмади. Жумладан, Н. Абдуллаев, С. Абдураимов, А. Умаров ўртоқлар секретарлик қилган цех партия ташкилотларида сўнгги уч йилда биронта ҳам киши КПСС сафига қабул қилинмади. Бу партия ташкилотлари хўжалик вазифаларини бажаришда имкониятлардан етарли фойдаланмадилар. Чунончи, 2, 4, 5-бригадаларда меҳнат интизоми ниҳоятда бўшашиб кетди. Дала ишларининг кўпгина турлари ўз вақтида уюшқоқлик билан бажарилмади. Натижада ҳосил етиштириш ва топшириш планлари ўлда-жўлда бўлиб қолди.

Партия комитетининг цех партия ташкилотларига яқиндан раҳбарлик қилиши ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо, ҳисобот даврида партия комитети цех партия ташкилотларининг таъсир кучи ва раҳбарлик ролини оширишга жиддий эътибор бермади.

Цех партия ташкилотларига раҳбарликнинг тўғри йўлга қўйилиши, уларнинг активига эса партиявий иш кўникмасини ўргатиш лозим.

Коммунистларга юклатилган партия топшириқларининг ижросини текшириш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, бу тадбир партия комитети фаолиятининг негизини ташкил этиши керак. Афсуски, бизда шундай қилинмади. Партиявий масъулият, топшириқнинг бажарилиши масалалари ҳисобот давридаги йиғилишларда кўрилмади. Натижада омма ўртасида олиб борилган сиёсий-тарбиявий, маданий-оқартув ишлари талаб даражасидан орқада қолди. 15 агитаторни бирлаштирган 2 та агитпункт коллективининг йил давомида олиб борган иши кўпчиликни қаноатлантирмади. Сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар иши ҳам бирмунча сусайиб қолди.

Ана шу сабабларга кўра ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши кескин танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Коммунистлар бирин-кетин сўзга чиқиб ўзларини ташвишлантираётган масалалар ҳақида тўхталдилар. Хотин-қизлар кенгашининг раиси Т. Турсунова, ҳамзатор У. Нурмуҳамедов, халқ контроли группасининг раиси Ғ. Маннопов ўртоқлар Ленин партиясининг аъзоси деган шарафли номга муносиб бўлиш, партиявий софлик ва масъулият, коллектив иши учун жонкуярлик, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида гапирдилар. Партия комитетининг сиёсий ташкилотчилик фаолиятини кучайтиришга қаратилган таклифларни киритдилар.

Сайлов вақтида ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ишбилармон коммунистлар партия комитетининг составига сайланди. Коммунистлар Жўра Камоловни партия комитетининг составига киритмадилар. Партия комитети колхоз қурилиши ишида чиниққан малакали, маълумотли, коммунистлар билан мустаҳкамланди. Ёш коммунист Қ. Абдусаломов партия комитетининг секретарлигига сайланди. У ишлаб чиқаришдаги самарали меҳнатини Тошкент халқ хўжалиги институтида ўқиш билан муваффақиятли боғлаб олиб бормоқда.

...Партия йиғилишида Жўра Камолов секретарликка сайланмай қолди. Лекин очиғини айтиш керак,менинг юрагимда негадир унга нисбатан ачиниш пайдо бўлди. Ахир, биз коммунистлар бундан олдинги ҳисобот-сайлов йиғилишида уни ҳам ишбилармон кадр деб шу лавозимга тавсия этган, катта ишонч билдирган эдик-ку?! Жўра партиявий-ташкилий ишларни яхши ташкил этолмаган экан, бунинг учун айбнинг бир қисми биз коммунистлар зиммасига, партия комитети зиммасига ҳам келиб тушади.

Бу билан мен нима демоқчиман? Гап шундаки, бюро аъзолари, ҳар бир коммунист партиявий-ташкилий ишларни жонлантиришда партия комитетининг секретарига самимий ва астойдил ёрдам бериб боришги зарур. Ҳамма ишни партком секретари ёки раис, агрономнинг зиммасига юклаб қўйиш, айрим ҳолларда масъулиятдан ўзни четга олиб қочиш ярамайди. Бу коммунистга хос одат эмас. Агар бизлар партия комитети аъзолари билан доимо ҳамкорликда иш олиб борганимизда эди, кези келганда партия ташкилоти секретарига ўзимизнинг маслаҳатларимиз билан ёрдам берганимизда, камчиликларини иш давомида кўрсатиб турганимизда эди, эҳтимол бугунги йиғилишда коммунистлар яна Жўрага ишонч билдиришган бўлармиди.

Шу нарса қувончлики, янги секретарь ишни бригада партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширишдан бошлади. Цех партия ташкилоти секретарлари ва партия группалари раҳбарлари учун семинарлар ташкил этилди.

Дастлабки семинар-кенгашларда «Партиявий ишни планлаштириш», «Коммунистлар йиғилишларига тайёргарлик кўриш», «КПСС устави — партия турмушининг қонуни» сингари масалалар ўрганилди. Натижада цех партия ташкилотларининг ишчанлиги ўса бошлади. Илғор колхозчилар, ёш механизаторлардан беш-олти киши КПСС сафига қабул қилишларини сўраб ариза бердилар.

Партия комитети коммунистлар ўртасида партиявий интизомни мустаҳкамлади. Бу ҳол умуман меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Ишлаб чиқаришда унумдорлик ўсабошлади. Қисқа муддатда дала ишлари унумдорлиги ва давлатга маҳсулот сотиш кўрсаткичи ортди.

Партиявий-ташкилий ишларни яхшилашга қаратилган яна бошқа тадбирлар амалга оширилмоқда. Булар партия комитетининг дастлабки қадамларидир. Бироқ, партиявий-ташкилий ишларнинг самарадорлигини ошириб бориш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Бунинг учун эса юқорида айтганимдек, ҳамма ишни партком секретари, партия комитети зиммасига юклаб қўйиш ярамайди.

Сиёсий-хўжалик вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши учун ҳар бир коммунист жавобгардир. Партиядаги барча коммунистлар учун уларнинг хизмати ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар бир интизом, бир қонун бор. КПСС Уставидаги бу сатрларни сира унутмаслик керак.

Нурмат СУЛТОНОВ,
Калинин районидаги Ленин номли колхозининг бригадири.

СУНЪИЙ ДЕНГИЗ

Чодак денгизи... Бу сунъий денгиз яқин йиллар ичида барпо этилади. Уни қуриш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленуми қарорида кўзда тутилган.

«Ўзгипроводхоз» институтининг бир группа лойиҳачилари ҳозир Қурама тизмаси этакларидаги Чодаксой атрофига сўнгги бор чиқишга кўришмоқда. Бу ерда инженерлар гидрогеология ва тўпроқ материалларини тўплаб олишади, улкан сув омбори вужудга келадиган жойнинг топографик суратини тугал олиб бўлишади.

— Чодаксой Ўзбекистондаги энг баланд тоғлик сув омбори бўлиб қолади, — деди Ўзбекистон Телеграф агентлигининг мухбири билан суҳбатда лойиҳанинг бош инженери А. М. Тюленев, — тўғонининг баландлиги 135 метр бўлади ва фақат Чорвоқ ҳамда Норак гидроузелларидан сал пастроқ бўлади. Неча миллион куб метр тошдан вужудга келтирилган улкан тўсқич шўх Чодаксой пишқириб оқиб чиқаётган дарёни тўсиб қўяди.

Сунъий денгизда 80 миллион куб метр сув тўпланади. Шу сув билан Поп районидаги 7—8 минг гектар қўриқ ерни суғориш ва бир неча минг гектар ернинг сув таъминотини яхшилаш мумкин бўлади.

ТОШКЕНТ бадиий буюмлар фабрикаси маҳсулотларига аҳоли эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Буни ҳисобга олган фабрика коллективи бадиий каштачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ой сайин кўпайтирмоқдалар. Суратда: попоп цехининг моҳир чевари Насиба Салимова. Унинг қўлидан чиқаётган маҳсулотлар доимо юқори баҳога сазовор бўлмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Она-Ватан бўйлаб

ЮБИЛЕЙ ОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ

Бизнинг мамлакатимизда ёзувчиларнинг китобхонлар билан учрашуви традиция бўлиб қолди. Китобхонлар ўзлари ўқиб севган шеър ва романлар, ҳикоя ва қиссаларнинг авторларини ҳамма жойда кутадилар. Ўтган йили мамлакатимизда бир юз йигирма мингга яқин шундай учрашув ўтказилди. Бу — СССР Ёзувчилар Союзи ва республика союзлари бадиий адабиётни пропаганда қилиш Бутуниттифоқ бюроси ташкилотчилик фаолиятининг натижасидир.

2 февралда бадиий адабиётни пропаганда қилувчи бутуниттифоқ бюроси кенгашининг пленуми очилди. Бу пленум ана шу соҳадаги ишларни 1970 йилда янада кенгайтириш борасидаги янги вазифаларга бағишланган. Москва ёзувчилари, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтга келган вакиллари ва Россия Федерациясидаги 25 область вакиллари КПСС Марказий Комитетининг Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигига доир тезисларини, доҳий образига бағишланган бадиий адабиётнинг энг яхши асарларини пропаганда қилишда ёзувчиларнинг иштироки тўғрисидаги масалаларни муҳокама қиладилар.

Бадиий адабиётни пропаганда қилувчи Бутуниттифоқ бюросининг директори Д. Е. Ляшкевич ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди:

1970 йил планида В. И. Ленинга бағишланган тематик кечаларни, маданият университетлари, ёшлар клублари ва кутубхоналарда Ленин ҳақидаги суҳбатларни уюштириш, Иттифоқдош республикаларда рус адабиёти ва РСФСРда миллий адабиётлар «кунлари», «ҳафталиклари», «ўн кунликлари» ўтказилади. Ҳар бир республикада мамлакатимиздаги қардош республикалар адабиёти кунлари уюштирилади.

Пленум қатнашчилари адабий байрамларни ўтказиш тўғрисида фикрлашиб оладилар, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Латвия, Ростов-дон, Свердловск бадиий адабиёт пропагандаси бюроларининг иши тўғрисидаги ахборотларни тинглайдилар.

БОШҚИРДИСТОН АССР. Бутуниттифоқ илмий текшириш институтининг Уфа филиали коллективи муҳим объектларни лойиҳалаш устида илмий текшириш ишларини олиб бормоқда. Суратда: филиалнинг технология бўлими бош инженери Е. Хохрякова, лойиҳа бош инженери Г. Комлев ва бўлим ходими А. Гриб нефтни қайта ишлаш заводи лойиҳасини чизмоқдалар.

Б. Клипиницер фотоси. ТАСС.

ДОМНА—ГИГАНТ

МОСКВАДАГИ «Гипромез» институтининг коллективи ҳажми 3 минг 200 куб метрли домна лойиҳасини тузиб берди. Бу домна Новолипецк металлургия заводида қурилади. Институт бош инженерининг ўринбосари Е. М. Борисов ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Бу домна мамлакатда энг катта домна бўлади. У бир кунда олти ярим минг, бир йилда эса икки миллион тоннадан кўпроқ чўян ишлаб чиқаради. Домнадаги ишлаб чиқариш жараёни электр-ҳисоблаш машиналари ёрдамида бошқарилиб туради.

Москва.

ФЕРМА—ШАҲАРЧА

ФРУНЗЕ номли колхозда Тожикистонда биринчи механизациялашган сут-товар ферма ишга тушди. Минг бош сигир боқиладиган бу ферма иккита оғилхонани, сигирларни туғдириш бўлимини, бузоқхонани ўз ичига олган комплектдан иборат.

Фермада меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларнинг ҳаммасини машина бажаради. Бинолар шамоллатиб ва истилиб туради, иссиқ ва совуқ сув жўмраклардан оқиб туради. Колхоз фермани қуриш ва ускуналашга ярим миллион сўмга яқин пул сарфлади.

Ҳозир Шимолий Тожикистоннинг бошқа колхозларида ҳам механизациялашган комплекс фермалар қурилмоқда.

Душанба.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

ҚОЗОҒИСТОН маҳаллий саноат министрлиги ҳузурида техника тараққиёти ва профессионал маданият халқ университети ишга тушди. Унинг металл ишлаш, бадиий касблар ва бошқа факультетларида юздан кўпроқ ишчи ва мутахассислар шуғулланмоқда.

Илғор техника ва технологияни, меҳнатни илмий ташкил этишни ишлаб чиқаришга жорий қилиш масалалари ўрганиладиган бундай университетлар республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам очилди.

Олмаота. (ТАСС мухбири).

УЛАН-УДЭ шаҳридаги авиация заводида «АН-24» самолётини янада такомиллаштириш устида иш олиб бормоқдалар. Суратда: янги «АН-24» самолёти қисмларини йиғиш пайти.

А. Хрупов фотоси. ТАСС.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

- Вьетнам революциясининг улкан ғалабаси
- ЗАБАСТОВКА ДАВОМ ЭТМОҚДА
- НАВБАТДАГИ ИҒВОГАРЛИК
- АҚШ ҲУКУМАТИ АГРЕССОРГА ҲОМИЙЛИК ҚИЛМОҚДА
- ЖИНОЯТ УЯЛАРИ



МОСКВА. В. И. Ленин марказий музейи. Суратда: «Франция — СССР» дўстлик жамияти тақдим этган ёдгорлик медали. Бу медаль Францияда тайёрланган.

А. Стужин фотоси. (ТАСС).

ХАНОЙДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

ХАНОЙ, 2 февраль. (ТАСС). Кеча Ханойда Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг 40 йиллиги тўғрисида доклад қилди. У айтдики, Вьетнам революциясининг ўтган 40 йил ичида қўлга киритган муваффақиятлари жаҳон революцион ҳаракатининг ривожланиши билан, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик лагерь мамлакатларининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг, миллий озодлик ҳаракатининг ва бутун прогрессив инсониятнинг ёрдами ва мадади билан чамбарчас боғлиқдир.

«Вьетнам революциясининг ҳозирги вақтдаги энг асосий вазифаси,— деди Ле Зуан,— Америка агрессорлари устидан тўла ғалабага эришишдан иборат».

БАР ҲАРБИЙ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

ҚОҲИРА, 3 февраль. (ТАСС). Мен агентлиги тарқатган ахборотга кўра, Бирлашган Араб Республикасининг ҳарбий вакили қуйидагиларни хабар қилган. Миср самолётлари кеча тушдан сўнг Сувайш каналининг шимолий секторидаги Ал-Қантара ва Ал-Капа районларида жойлашган Исроил позицияларини бомбардимон қилганлар.

Вакилнинг таъкидлаб ўтишича, бомбардимон қилиш натижасида душманга анча талафот етказилган. Ана шу ҳужум операциясида қатнашган Миср самолётларининг ҳаммаси ўз базаларига бешикаст қайтиб келганлар.

ИСРОИЛ САМОЛЁТИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ДАМАШҚ, 3 февраль. (ТАСС). Кеча маҳаллий вақт билан соат 15 дан 30 минут ўтганда Исроилнинг икки группа самолёти ўт очишни тўхтатиш чизиғи районида жойлашган Сурия қуролли кучларининг позициясига ҳужум қилишга уриниб кўрди. Сурия Араб Республикасининг ҳарбий вакили шуни маълум қилди.

Сурия Араб Республикаси ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмларининг ўтига дуч келган чегара бузарлар орқаларига қайтиб кетишга мажбур бўлдилар. Душманнинг бир самолёти уриб туширилди.

ҚУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

СТОКГОЛЬМ, 3 февраль. ТАСС мухбири Д. Ершов хабар беради:

Шимолий Швеция кончиларининг забастовкаси давом этмоқда. Иш ҳақи камлиги ва силлиқ қуритадиган меҳнат шароитларига қарши, ишлаб чиқаришдаги ҳуқуқсизликка қарши норозилик жуда катта иш ташлашга айланиб кетганига мана икки ой бўлиб қолди.

Забастовка Шимолий Швециядаги ҳаётни қариб— батамом тўхтатиб қўйди, Швециядагина эмас, шу билан бирга қўшни мамлакатлардаги меҳнат аҳлининг ҳам ҳайриҳоҳлигини уйғотмоқда. Ҳамма ерда иш ташлаганларга ёрдам нонаси тўплаш уюштирилди. Кончиларнинг курраши барча меҳнаткашларнинг манфаатлари ва ҳуқуқлари учун курашдир, деб баҳоланмоқда.

БЕРТРАН РАССЕЛ ВАФОТ ЭТДИ

ЛОНДОН, 3 февраль. (ТАСС). Таниқли инглиз файласуфи ва жамоат арбоби, адабиёт бўйича Нобель мукофотининг лауреати Бертран Рассел бугун Пенрендратда (Уэльс) 97 ёшида вафот этди.

ДЎЗАҲЛАРНИНГ НОМИ КЎП

...Ер юзидаги дўзахларнинг номи талайгинадир. Улар ўзининг фожиали статистикасига ҳам эга.

Освенцим: 4.000.000 + Бухенвальд: 56.000 + Равенсбрюк: 92.000 + Заксенхаузен: 100.167 + Дора: 15.000 + Берген—Дельзен: 48.000 + Хельмно: 360.000 + Дахау: 31.951 + Флоссенбюрг: 73.296 + Бельзек: 600.000 + Майданек: 1.380.000 + Треблинка: 800.000 + Терезненштадт (Террежин) 58.000 + Найенгамме: 82.000 + Грос—Розен: 20.000 + штутхоф: 80.000 + Нацвайлер = Штрутхоф: 25.000 + Собибор: 250.000 + Маутхаузен: 122.766...

Бу номлар, бу рақамлар нимадан далолат беришини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу номлар, бу даҳшатли рақамлар планетамиздаги ҳар бир кишига тушунарли.

Газ камераларида миллионлар бўғиб ўлдирилган. Печларда ёқилган. Плацларда озорланган. Миллионлаб совет кишилари, поляклар, чехлар, словаклар, французлар, белгияликлар, данияликлар, норвеглар, греклар, итальянлар, голландлар, еврейлар хокка айланган. Миллионлаб қариялар, хотинлар, болалар, ҳарбий асирлар бу ажал лагерларида бевақт ўлим топганлар... Улар учун «КГ» нацист белгиси даҳшатли эди, у «ўлим» деган биргина сўзни билдирарди, холос.

Тўхтамас оғриқни босиш мумкинми, ахир? Гитлер ва унинг малайларининг тинчлик ҳамда инсониятга қарши қилган жиноятларини унутиб юбориш мумкинми, ахир? Рейн қирғоқларидан бўлган баъзи бир кишилар ҳозирги кунда ашаддий қотилларни оқлашга беҳуда уринмоқдалар. Жаҳон халқларининг жавоби битта: **Унутганимиз йўқ! Унутмаймиз! Кечирмаймиз!**

1936—1945. Ўша йиллари Германия ва Европанинг нацистлар томонидан босиб олинган территорияларида 22 концентрацион лагерь мавжуд бўлган. Уларнинг филиаллари сони 2 мингдан зиёд эди. Бу концентрацион лагерлар азоб-уқубат тортган кишиларнинг ҳоки билан қопланган. Ҳар бир лагерь дўзахнинг ўзи эди. Шундай бўлса-да, кишилик тарихи Освенцимдан даҳшатлироқ бошқа бирон ажал комбинатини билмайди. Унинг торгина территориясида шунчалик кўп одам қони тўкилганки, беихтиёр даҳшатга тушасан, киши.

Менга Совет Армияси қисмлари Освенцимга яқинлашиб келган вақтда эсэсчилар томонидан портлатилган крематорий вайроналарида бўлишга тўғри келди. Бу воқеа Озодлик кунидан сўнг чорак аср ўтгач рўй берди.

Эрталабки совуқ туман қўйнида тиконли сим тўсиқлари, бараклар, соқчилик вишкалари чексиз олисликларга чўзилиб кетганди. (Польша Халқ Республикаси Сеймининг қарори билан концлагерь территорияси ўзининг барча қурилишлари ва иншоотлари билан абадий ёдгорлик сифатида сақланмоқда)...

Освенцимнинг собиқ тутқини поляк Кароль Ридецкий (маҳбуснинг номери 3011) бу улкан мемориал билан танишув вақтида менга ҳамроҳ бўлди. Собиқ ажалхонани айланар эканмиз, у бошидан кечирганларни бир-бир эслар, тез-тез жимиб қоларди.

Мен бўлсам Жанубий вьетнамлик қиз Чонг Нгок Лиен билан бўлган учрашувимизни эсга олдим. Чонг Нгок Лиен халқаро ёшлар учрашувида қатнашиш учун мамлакатимизга келган эди. Куангнгай вилоятидаги унинг она қишлоғи ўрнида АҚШ армияси солдатлари «стратегик қишлоқ» вужудга келтирдилар. Уч қатор тиконли сим тўсиқлари, чуқур хандақ, миналаштирилган полосалар ва тиш-тирноғигача қуролланган соқчилар — бунинг концлагердан қаери кам?

Қизнинг ҳикоя қилишича, кунда 2—3 марта деҳқонларни назорат остида далага ишга ҳайдаб борганлар. Арзимаган айблари учун шафқатсиз ўч олганлар — бунинг концлагердан қаери кам? Шундай воқеалар ҳам бўлганки, қароқчилар қишлоқнинг барча аҳолисини кўлга ҳайдаб бориб, ҳар томондан тиконли симлар тортганлар ва уларнинг уч сутка мобайнида сувда тек туришга мажбур этганлар — бунинг концлагердан қаери кам? Болаларни отганлар, уларнинг жасадларини эса тиконли симлар устига улоқтирганлар — бунинг концлагердан қаери кам?

Лиен қочиб улгуришга ва партизанларга қўшилиб олишга муваффақ бўлди. У разил душманга қарши актив курашга қўшилди. Лекин кўп ўтмай навбатдаги топшириқни бажараётганида қўлга тушиб қолади. Уни яна дўзах қаърига — қамоққа ташлайдилар. Дастлаб у маҳаллий, сўнгра Хюэ қамоқхоналарида азоб чекади. Қизни америкалик офицер сўроқ қилади. У қийноқлар ўртасидаги танаффус вақтида хушига келган қизни қайта ва қайта сўроққа тутади. Жаллодлар унинг баданини чўғланган сим чивиқлар билан куйдирадилар, шипга оёғидан осадилар. Кундуз куни, чидаб бўлмас жазирамада ўткир темир қафас ичида туришга мажбур қиладилар. Сўнгра ватанпарвар қиздан ҳеч нарса билолмагач, уни тош қопга жойлаштирадилар. Бу тош коп шунчалик тор эдики, унда қимирлаш сира мумкин бўлмаган. Мана шу қопқонда у деярли 300 кун банди бўлди. Аммо унинг руҳи сўнмади.

АҚШ қўшинларининг Сонгми қишлоғидаги ваҳшийликлари-чи? Ахир булар Освенцимни вужудга келтирган худди ана ўша «стратегия»нинг натижаси эмасми?

Юра ороллари... Бу ном, ҳозирги кунда греклар учун нафратга айланган. Бу ерда ҳам маҳбуслар тош қопларда сақланади, Бу ердаги тош қоплар шундай мўлжал билан ясалганки, унга тушиб қолган киши ҳеч бир тирик чиқмайди. Неофашистлар дўзахининг филиали ҳозирги кунда Жанубий Африка Республикасида ҳам ишлаб турибди. Бу иркчилар маконини ёзувчи Ла Гума «тош мамлакат» деб жуда тўғри айтган...

Қонхўр Дювалье ва унинг Гаитидаги малайлари—тонтон-мактублар ўзгача фикр юритувчиларни қирғин қилишда эсэсчилар «малака»сини ўзларига қурол қилиб олганлар... Ташқи кўринишдан ўз кўнгил хуши Гитдерга ўхшашни орзу қилаётган Парагвай диктатори Стресснер зўр бериб қутирмоқда...

Ғарбий Германияда ҳам телба фюрернинг гумашталари йўқ бўлиб кетган эмас. Бир неча ўн йиллар муқаддам бўлганидек. Мюнхен пивохоналарида кружкалар яна эски герман гимни «...Маасдан Мемелгача, Эгдан Бельтгача» оҳанглари остида чўқиштирилмоқда. «Рейхни 1939 йили чегаралардаги тикланг» деган чақириқлар эшитилмоқда. Бундесвер учун ядро қуроли ҳақидаги талаблар илгари сурилмоқда. «Герман қони поклиги» ҳақида жазавага тушиб ҳайқиришлар яна эшитилмоқда. Адольф II ва унинг телба урушқоқлари — НДП янги «салб юриши»га ҳозирланмоқда.

...Дўзахларнинг номи кўп: Освенцим, Юра, Сонгми.... Бироқ дўзах балохўрлари Освенцимдан сўнг Нюрнберг ҳам бўлганини унутмасликлари керак.

О. ТРОФИМОВА. (АПН).

ХАВФЛИ РЕЖАЛАР

ВАШИНГТОН, 3 февраль. (ТАСС). Қўшма Штатлар Яқин икки йил мобайнида Эмчитка оролида бир қанча янада кучли ер ости ядро портлашлари ўтказишни давом эттириш ниятида эканлигини эълон қилди. Ассошиэйтед Пресс агентлиги расмий кишиларга асосланиб хабар берадики, ҳозир тайёргарлик кўрилаётган ядро портлаши қуввати жиҳатидан Американинг илгариги ядро синовларидан уч баравар устун келади. Ана шу портлашлар чоғида синаб кўриладиган ракеталар «Сейфгаюд» ракетага қарши мудофаа системасида фойдаланилади, деб тахмин қилинмоқда.

Маълумки, ўтган йили Эмчитка оролида ўтказилган дастлабки синовлар ушбу портлашларнинг орол аҳолиси бошига тушиладиган ҳамда юз бериши мумкин бўлган зилзилаларнинг ёндош районларда кўрсатадиган оқибатларидан ташвишланган жаҳон жамоатчилигининг норозилигига сабаб бўлган эди.

ФОТОҲУЖЖАТЛАР ФОШ ҚИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 3 февраль. (ТАСС). Иорданиянинг бирлашган миллатлар ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонаси БМТ бош секретари Утанга юборган фото суратлар Исроилнинг, Иордания шаҳарлари ва қишлоқларида мунтазам равишда қилаётган қуролли ҳужумлари натижасида даставвал граждан кишилар қурбон бўлаётганлигидан далолат беради. Фото суратларда, жумладан, Исроилнинг Куфр Асад қишлоғига қилган ҳужуми натижасида ҳалок бўлган болаларнинг жасадлари, Исроилнинг напалм бомбалари қурбони бўлган аёллар, тинч араб аҳолисининг вайрон этилган уйлари акс эттирилган.

Исроил агрессорларининг ваҳшийликларини фош қилувчи фото ҳужжатлар хавфсизлик кенгашининг расмий ҳужжатлари сифатида БМТда тарқатилди.

АГРЕССОРНИНГ ҲОМИЙЛАРИ

ВАШИНГТОН, 3 февраль. (ТАСС). Республикачи сенатор Ж. Жавитс АҚШ ҳукуматидан Тель-Авивни қўллаб-қувватлашни кенгайтиришини, унга янги қуроллар туркуми беришини ҳамда Исроилга иқтисодий ёрдам кўрсатишини талаб қилди.

Жавитс Исроилга қилган визити натижаларига бағишланиб конгрессда ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, араб мамлакатлари шаънига таъналар ёғдирди ва Тель-Авивнинг босқинчилик снёсатини оқлабчиқди. У араб мамлакатлари билан чегаралар қайта кўриб чиқилишини, голан тепаликлари, Синай ярим ороли, Ғаза, Қуддасинг оккупация қилиниши сақланиб қолиши тўғрисида Исроил қўйган талабларни ҳимоя қилиб чиқди.

Жавитс сионистик ташкилотлар раҳбарларининг Вашингтондаги конференциясига президент Никсон йўллаган мактубини тилга олиб унда президент Исроилнв Америка харбий ва иқтисодий жиҳатдан қуллаб қувватлашини тасдиқлаган эди), бу гап Тель-Авивда «ҳамир учидан патир» сифатида қабул қилинганлигини таъкидлади.

Сенатор «қўшимча қурол етказиб бериш ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Исроил қўйган талаблар хусусида ғоят яқин фурсатда ижобий қарор қабул қилинади», деди.

Жавитс АҚШ ҳозирги ҳукуматининг Тель-Авивга нисбатан тутган снёсати «Исроил вужудга келганидан бери қандай бўлса шудайлигича қолаверади», деди.

ЗАНЖИБАР — Шарқий Африканинг соҳилларида жойлашган ороллардан биридир. У Танзания Бирлашган Республикасига киради. Суратда: Занжибар халқи томонидан ташкил этилган қуролли кучлар ҳарбий қисми машғулот ўтказмоқда.

И. Жирквелов фотоси. ТАСС.

БУ КЎНГИЛДИР, БУ КЎНГИЛ

Субҳидамлар шўҳи-шаён саболарга қулоқ тутганмисиз? Боғлардаги булбул, тоғлардаги тўрғай, тошқин шаршара, беҳол ирмоқча овозига-чи? Уларни қўшиқ оҳангига сингдириб, денгизнинг уммонли тўлқинларини авж пардасига кўчирган санъаткорни-чи? Қўшиқ тинглаганда беихтиёр тебранасиз, кўзингизни юмиб, сўлим водийлар, тароватли саҳар, юлдузли кечаларни, оналарнинг масъум алласини қўмсагандай энтикасиз. Демак, қўшиқчи сизни ром этибди, дилингизга эзгулик олиб кирибди.

Қўшиқ сеҳри билан сарҳуш бўлган кўнгил ирмоқларни дарё, томчи кўз ёшини эса тўғёнли денгиз қилишга қодир.

Гоҳи шоҳ келса, муҳаббат
йўлида айлаб гадо,
Узни султон айлаган бу
кўнгилдир, бу кўнгил...

Тарих ва тазкира китобларини варақлаб, кўпгина фозил қарияларимизнинг, бир асрга тенгдош бувиларимизнинг ҳикояларини тинглаганмиз. Тутқин орзу-умид, бўғиқ соз, тўрт девордан нарига ўтмаган овоз, маҳзун қўшиқ, истиқболдан ёироқ ишкдан сўзлар эди улар.

Йиглама қаро кундин, эй
Саида мазлума,
Бахт деган ёлғон сўзнинг кори
бизга мазлума.

Ушбу ғазал муаллифи Саида биби Улуғ Октябрь революциясигача яшаган шоирадир. Биз бу ғазални бежиз ёдга олмадик. Чунки, қўшиқчи ҳам ўз навбатида шоирдир.

Юракни ёндирувчи ҳам ғазал, аллаловчи ҳам ғазалдир.

— Дил ёндирувчи бундай ғазалларни куйлаганимда, — деб ҳикоя қилади давр қизи, қўшиқлар гулшанининг ғазалхони Малоҳат Дадабоева, — дардим зиёд бўлгандай хомуш тортаман. Утмишнинг бу ғамгин куйчи, қизларига юракдан ачинаман. Овозим титрайди, кўзларимда ёш... Буни қўшиғимни тинглаганда дарров сезиб олсангиз бўлади.

Гуллар юзида ханда, бу
боғдан ёр ўтдими,
Одатни қилмай канда, яна
бедор ўтдими.
Еллар нечун сарсари,
кетолмайдилар нари,
Кўнглимнинг моҳ-пайкари, кўзи
хумор ўтдими...

Бу ғазал муаллифи ҳам Саида. Лекин бу Саида қаламига замон нурдан сиёҳ бахш этган. Завқли илҳом эгаси бўлган Саида Зуннунова иқболидан мамнун маҳбуб, маҳбуба қизлар дилидаги кувонч, тўйғулар таржимонидай ҳар қўшиқчи, ҳар ғазал шайдосига дўст, яқин. Чунки шоира ўз ҳаётида ҳам, ғазалларида ҳам бахтли, вафоли ёр образининг мужассам тимсолидир. Саида опа ғазалларининг малоҳати Малоҳат ижросида яна ортди. Қўшиқчи ҳам ўз навбатида шоирдир, дедик. Шоира юрагини — нозик ҳисларини ғазал сатрларига жо этса, хонанда — завқи-шуурини оҳанглар кўчиради. Шеърнинг ҳам ўзига хос нотаси бор. Бу — қофия, вазн, ҳижолар уйғунлиги. Қўшиқдаги нота эса унинг оҳангидир. Хонанда ғазал вазнини сақлагани ҳолда уни қўшиқ вазни, оҳангига кўчириши керак — Малоҳат Дадабоева бунинг уддасидан чиқишга салоҳиятли хонандадир. Унинг ижросидаги ҳар қўшиқ, ҳар қўшиққина эмас, ҳар сатр, ҳар сўз ўз оҳангига, оҳорига эга. Чунки у ҳар сўз маъносини дилдан туйиб, ҳис этиб куй пардасига солади, жило бағишлайди.

Улкан қаср, кошоналарга зиналар орқали чиқилади. Малоҳатхоннинг санъат даргоҳига кириб келиши ҳам зинапоялардан бошланди. 1948 йиллар эди. Душанбада бир шўх қиз яшарди. Рақсни жондан севарди. Балет мактабига кириб ўқишни орзу қиларди... Лекин амакиларидан чўчир эди. Чунки улар Малоҳатни тезроқ эрга бериб, шу билан унинг санъаткор бўлиш ҳақидаги орзусини сўндириш ниятида эдилар. Малоҳат яширинча халқ театрига қатнаб юрди. Ариқ лабига ўтирибоғлиб, ниш уриб чиқаётган ялпиз, майсаларга маҳлиё бўлар, сувнинг чулдираб оқишидан бир сирли оҳанг, рақсига жўшқинлик қидирарди. Қиз дилидаги санъатга бўлган шу иштиёқ учқуни гуркираб аланга олиши ёки интиҳога етиши шу бўлажак қуёвга, унинг орзу ва қарашларига боғлиқ эди, албатта. Малоҳат санъатни севган йигит Абдуллажон Қодировга турмушга чиқди. Санъатни севган— доирачи бу йигит Малоҳат юрагидаги ғунча орзуларнинг куртак ёзишига кўмаклашди.

1958 йил Норин халқ театрида унинг талантини кўрган санъаткорлар Тошкентга боришни тавсия этишди. 1958—1968 йиллар орасида Дадабоева Тошкент Филармониясида ишлади. Лапар қўшиқлар айтиб, санъат шинавандаларини хушнуд этди. Иттифоқо, бир куни унга радио инсценировка учун катта ашулани ишониб топширдилар. Ишонч оқланди. Малоҳатхон катта ашулалар учун ҳам қобилиятли эканини исбот этди. Шу баҳона бўлди-ю, уни радиога ишга таклиф этдилар. Жуда кўп қўшиқ муҳлислари Дадабоевани радио орқали таниб, севиб қолдилар.

1968 йилнинг кузи эди... Ҳаммаёқда ҳосил тўйи. Табиат нозинеъматларга тўлиғ улкан дастурхонни эслатади. Биз гул алвонли чаманлар, узумзор боғлар, сўлим анҳор бўйларида, колхоз шийпонларида, мактаб клубларида шеър, ғазал, қўшиқ шайдолари даврасида у билан ёнма-ён бўлдик. Тожикистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўтарди. Узбек халқи билан тожикларни бир ғазалнинг икки байтига ўхшатишади. Бу бежиз эмас. Ўзбек билан тожиклар дарёнинг икки соҳилига ҳам ўхшаб кетадилар. Тожикистоннинг Вахш водийси, Хисор тоғлари этакларида, ўзимиз «Ҳафт пайкар» деб ном қўйган етти сой ёқаларида Малоҳатхон билан бирга кездик. Ҳар даврага у малоҳат бахш этди. Яйраб, яшнаб айтган қўшиқларида дўстликни, муҳаббатни, юрт чиройини куйлади. Унга қўшиқ берган, оташи севги, завқ, эрк берган шу юрт, шу одамлар ахир!

Унинг бир қизиқ одатини кузатдим: даврада ғазал ўқилар экан, у жон қулоғи билан тинглади. Кўзларида аллақандай ўт ёнар, лаблари шивирларди. У шу тобда ўша ғазални ўзича куйга солаётгандек эди. Ғазал Малоҳатхон юрагини «жиз» этгирса ўша ғазални минг илтижо билан сўраб олади. Бастакорга етказиб олиб боргунча, унга ўзи ўйлаган куй охангини ҳиргингача оромини йўқотади.

Бир оқшом колхоз боғида бўлдик. Боғ айланиб, мўздек сувга юзимизни чайдик. Ишкомлар орасидан юриб, узум ўзмоқчи эдик, бола аллалаётган аёлнинг овози эшитилиб қолди.

Алла менинг ширин асалим,
Алла менинг тонгги ғазалим...
Алла-ё, алла...

Узум узишни ҳам унутиб, аллага қулоқ тутганча жим қолдик. Она тожикча алла куйларди. Онанинг алласи унинг ўзидай мунис, беозор, ширин эди.

Уша туни алла-паллагача алла ҳусусида суҳбатлашиб ўтирдик.

— Ростини айтсам, мени қўшиқ оламига етаклаган нарса онамнинг алласи эди, — деди Малоҳатхон — онам шундай алла айтардики, эшитиб негадир йиғлагим келаверарди.

— Нега? Аллани йиғлатиш учун эмас, ухлатиш учун айтадиларку.

— Шундайку-я, лекин алла оҳангидаги мунг мени йиғлатмай қўймасди...

Ўйланиб қолдим... Менимча ҳар қандай муза, лирика, ҳар қандай мураккаб симфониялар ҳам она алласидан бошланса ажаб эмас. Она алласи билан юракка сингиб кетган куй оҳанги, она муҳаббатидай ардоқли, муқаддас бўлиб қолмоғи шубҳасиздир. Малоҳатхон машҳур тожик ва ўзбек хофизи Содирхон Бобошарифнинг набираси, унинг юрагига қўшиқ, ғазал ишқини солган биринчи эзгулик она алласи бўлса, иккинчиси бобо мероси, бобонинг азиз хотирасига бўлган беғубор ҳурматидир.

Бобоси яратган музика мактабига лойиқ талаба бўлиш Малоҳатдан ўткир зеҳн, меҳнат, изланишни талаб қиларди. Шу мақсадда у жуда кўп музика китобларини варақлади, мутолаа қилди. Тошкентдаги малака ошириш техникумида ўқиди. Консерваторияга кириб ўқиш, музика билимини янада такомилга етказиш орзусида юрибди. Малоҳатхон Тошкентда ўтказиладиган қўшиқлар фестивалида бир неча бор қатнашиб ижрочилик маҳорати учун неча бор «фестивал лауреати» унвонини олди. Унинг репертуаридаги «Ёр кезар», «Келмасму», «Вафодорингман», «Кел» каби қўшиқлар кўпчиликка манзур бўлаётир.

Биз, Малоҳатхонга она-Ватан қўшиқларини ижро этишда янги муваффақиятлар истаймиз.

Эътибор ОХУНОВА.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ХОТИРОТ

Ёшларга эрса, ўтмишнинг биз гувоҳи,
Кулба харобу, эл оч, зулматда оҳ-воҳи,
Пилта чироғу, гўжа-явғон, сопол тавоқи,
Қасру ҳарамда ишрат, қонҳур синоҳу шоҳи,
Эл ўтмишини эслаб, дил куйди, ёна ёздим.
Ер қаттиқу, ҳўкуз оч, кунда омочни деҳқон
Ҳайдарди, тинмай ойлар, умид қиларди ҳирмон,
Ҳосил каму, солиқ кўп, ҳасрат билан ютуб қон,
Битгач қарору сабри, қалб изтироби туғён,
Эрк олди ниқилобдин халқим, қувона ёздим.
Ярим асрки, минг йил, мазмуни баракмолдур,
Эл бўлди мангу обод, эрк тонги безаволдур,
Партия йўлчи юлдуз, кўлларда байроқ олдур,
Ҳар они минг ютуқлар, эл соҳиби иқболдур,
Қалбим хитоби бирла, шеър-тўёна ёздим.

Улуғбиби ҚИЗЛАРБЕКОВА.
Тошкент шаҳри.

ТЎРТЛИКЛАР

— Падаринг ким?
Десалар, — дедим Ленин.
— Устозинг ким?
Десалар, — дедим Ленин.
Тошда ундинг бўлмай завол
саллона,
— Боғбонинг ким?
Десалар, — дедим Ленин.

* * *

Шогирд эдинг, устоз бўлдинг
мардона.
Дунё аҳлин устози сан ягона.
«Ўқиш, ўқиш ва ўқиш»дир
шиоринг,
Ўқиш билан тош ҳам бўлар,
дурдона.

* * *

Чунон бойсан, ёки билимдон,
Тез-тез буни қилаверма беш,
Завол топиб бўлади гумдон,
Юз ўгирса: дўсту, элу-хеш...

* * *

Гулни исроф этманг,
одамлар,
Ҳар кўрганга тутманг,
одамлар.
Ҳамдамингиз арзирми гулга,
Гулни ҳеч паст тутманг,
одамлар.

Шамси ОДИЛ.

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Яхши гап — дардга малҳам деганларича бор. Сени даволаётган шифокорнинг илиқ ва самимий сўзлари, меҳрибонлиги тез соғайишингга ёрдам беради.

Ҳозир мен Калинин районидаги 5-касалхонада даволанаяпман. Анча соғайиб қолдим. Эртаниндин уйга қайтаман.

Бу ерда ҳамма нарса тартибли, саранжом-саришта. Айниқса, оқ халатли меҳрибонларни айтмайсизми! Бош врач Р. Ҳамидов палатамизга тез-тез кириб туради, ҳол-аҳвол сўрайди. Ҳар икки гапнинг бирида «Соғайиб кетасиз, ҳеч азият тортманг» деб кўнглимизни кўтаради.

Шифохонада ишлаётган терапия бўлимининг бошлиғи С. Қодирова ҳам, даволовчи врач Т. Эгамбердиев ҳам, медицина ҳамшираси Ў. Мусина ҳам, кичик ҳамшира М. Содиқова ҳам ўз касбини жон-дилидан севадиган дилкаш шифокорлар экан.

Мен уларнинг беминнат хизматларини сира унутмайман. Қўлингиз дард кўрмасин, меҳрибон шифокорлар!

М. НАЗИРБЕКОВА.

КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛ

Ўқувчиларга илм-фан асосларини ўргатишда ўқув кўргазмали қуролларнинг аҳамияти катта. Республикамиз мактабларини бу хил кўргазмали қуроллар билан таъминлашда Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардаги асбобсозлик корхоналари яқиндан ёрдам бераяптилар.

Янги йилнинг шу ўтган кунлари ичида Москва ва Ленинграддаги «Физэлектроприбор» каби корхоналардан кўргазмали ўқув қуролларининг дастлабки комплектлари олинди.

Шунингдек, Львовдаги «Биофизприбор», Одессадаги «Красний октябрь», Днепропетровскдаги «Физприбор» заводлари томонидан тайёрланган асбоб-ускуналар ҳам амалий машғулотлар олиб боришда ўқитувчиларга жуда қўл келмоқда.

ИЛМИЙ АТЕИЗМ МАКТАБИ

Янгийўл районидаги Занги-ота қишлоғида ташкил этилган область илмий атеизм уйида пропаганда ишларини жонлантириш ва таъсирчанлигини оширишда намунали ишлар қилинмоқда.

Ўтган йили район партия комитети мазкур илмий-атеизм уйи ҳузурида икки йиллик мактаб ҳам очган эди. Мактаб олдига атеист лекторлар малакасини ошириш ва янги ёш тарғиботчиларни кўплаб жалб этиш вазифаси қўйилди.

Ўтган даврда мактабда бу вазифани амалга ошириш соҳасида анчагина ишлар қилинди. Барча колхоз ва совхозларда, корхона ва муассасаларда атеистик тарбия ишлари бир мунча кучайтирилди. Аҳоли ўртасида кўплаб лекция ва суҳбатлар ўтказилди.

Яқинда мактабда иккинчи ўқув йилининг машғулотлари бошлаб юборилди. Дастлабки машғулотда район партия комитетининг секретари С. Сандалиев жойларда атеистик пропаганданинг аҳволи ва уни яхшилаш йўллари ҳақида гапирди. Шундан сўнг фалсафа фанлари доктори, профессор А. Ортиқов «Марксизм-леннинизм классиклари дин ҳақида», фалсафа фанлари кандидати М. Далиев «Атеистик пропаганданинг форма ва методлари», Тошкент Политехника институти фалсафа кафедрасининг ўқитувчиси М. Бўриҳўжаев «Санъат ва дин» деган темаларда қизиқарли лекциялар ўқидилар.

С. ТОИРОВ,
«Билим» жамияти область ташкилотининг референти.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, РЕКОРДЛАР

КОНЬКИ. 25 ёшлик ленинградлик қиз Нина Статкевич Голландияда ўтказилган Европа чемпионати мусобақасида қитъа чемпиони номини олишга муваффақ бўлди.

ФУТБОЛ. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси мамлакат биринчилигига тайёргарлик кўриш учун Андижонга учиб кетди. Ҳамшаҳарларимиз бу ерда очиқ ҳавода бир неча машқ учрашувлари ўтказадилар.

КЛАССИК КУРАШ. «Локомотив» жамияти Марказий Советнинг шахсий-команда биринчилиги учун Гомель шаҳрига борган тошкентлик спортчилар ўз группасида ғолиб чиқиб, келаси йили кучлилар группасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Спорт мастери В. Егоров жамият чемпиони бўлди. Иккинчи вакилимиз Н. Кретов бронза медали билан тақдирланди.

СОВЕТ ШАХМАТЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Совет гроссмейстери Марк Тайманов ва СССР чемпиони Нана Александрия Вейк-ан-Зе шаҳрида ўтказилган халқаро турнир ғолиби бўлдилар. Тайманов 15 имкониятдан 12 очко тўплади ва чехословакиялик кучли рақиби Горт, югославиялик Ивков, АҚШ, Голландия шахматчилари, Бенко, Донерларни орқада қолдириб кетди. Нана Александрия аёллар турнирида биринчиликни олди.

ТОШКЕНТ ЧЕМПИОНЛИГИ УЧУН

Пойтахтимизнинг 15 кучли шашкачиси Тошкент чемпиони унвонини олиш учун кураш бошлади. Улар орасида Ўзбекистоннинг бир неча бор чемпиони спорт мастери С. Гуляев, мастерлардан В. Раппопорт, Д. Давидов ва бошқалар бор. Чемпионатда дастлабки тўрт ўринни эгаллаган шашкачи республика биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини олади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

«Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги нишонланадиган кунгача тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажарамиз!» Тошобувторгга қарашли 14-магазин ходимлари шу шиор остида меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатиш учун курашмоқдалар. Янги йилни янги меҳнат зафарларига эришиш билан бошлаган магазин сотувчилари январь ойи планини ҳам ортиги билан 110 процентдан ошириб ado этдилар.

Харидорларга савдо хизматини яхшилаш борасида кўп йиллардан бери катта ютуқларга эришиб келаётган бу коллектив орасида ўз ишининг жонкуярлари бўлган меҳнатсевар сотувчилар кўп. Улардан бири магазиннинг катта сотувчиси Ҳакимжон Усмоновдир. У салкам ўн йилдан бери магазин коллективи ўртасида ўзининг ҳалол меҳнати билан ҳурматэҳтиромга сазовор бўлиб келяпти. Ҳакимжон доимо харидорларнинг кўнглини топиб, уларнинг ўзларига муносиб пойафзал кийимлари танлашда яқиндан маслаҳатлар беради. У ўзининг кўпйиллик меҳнат фаолиятида бир қанча Фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари билан тақдирланган. Ҳакимжон шу кеча-кундузда савдо аълочиси номини олиш учун астойдил курашяпти.

Коллективда Ҳакимжонга ўхшаш ўз ишининг усталаридан болалар пойафзал бўлимининг бошлиғи Зуҳриддин Насриддинов, Хушнуд Мирмаҳмудова, Дилором Тожиева, Ҳабиба Раҳимхўжаевалар ҳам ўзларининг ҳушмуомалалиги билан бошқаларга ўрнак бўляпти.

— Юбилей йилида зиммамизга 1 миллион 450 минг сўмлик сандо қилиш мажбуриятини олганмиз,— дейди магазин мудири Қаюм Қаҳҳоров.— Сотувчиларимиз зиммаларидаги мана шу шарафли вазифани бажариш, меҳнаткашларга янада намунали хизмат кўрсатиш учун ўзаро социалистик мусобақани кучайтирмоқдалар. Коллективимиздаги ҳар бир сотувчи ўзига биркитилган вазифани вақтида бажариб, бошқа коллективлар ўртасида ўрнак бўлмоқда.

Магазин ходимлари тўрт ойлик планларини 10 апрелгача бажаришга аҳд қилишган. Шунинг учун ҳам улар ҳозирги кунда ўз зиммаларидаги мажбуриятни бажариш учун ҳормай меҳнат қилишяпти. Магазин ходимлари турли хил ассортиментли молларни харидорларга етказиб бериш учун магазин-лотокчалар ташкил этганлар. Ҳар куни 3—4 жойда магазин-лотокчалар ташкил этилиб, савдо ишлари олиб борилади.

Коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрий унвонга сазовор бўлиш учун курашаётган бу коллектив, 22-пойафзал магазини коллективи билан ўзаро мусобақалашиб, меҳнат қилишяпти. Уларнинг шиори битта. Бу ҳам бўлса, меҳнаткашларга маданий савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилашдир.

Н ТУРАЕВ.

Суратда илғор сотувчи Д. Тожиева иш устида.
Автор фотоси.

ЮРАКНИНГ ЭЛЕКТРОН НАЗОРАТЧИСИ

Арманистон Фанлар академияси ҳисоблаш марказининг медицина кибернетикаси лабораторияси ва Ереван университети ходимлари электрон мослама ишлаб чиқдилар. У юрак-томир касалликларини тез ва беҳато аниқлаб беради.

«Раздан-2» ва «раздан-3» электрон ҳисоблаш машиналари асосида яратилган электрон диагност учта мустақил асбобдан иборат. Уларнинг ҳар бири врачга ёрдам кўрсата олади.

Биринчи асбоб — электрокардиографга қўйилдиган приставка ҳозир амалда кенг қўлланилади. Арманистоннинг турли районларидаги даволаш муассасаларида ишловчи врачлар ундан фойдаланиб, телефон канали орқали текширилаётган юрак электрокардиграммасини тўғри Кардиология институтига узатадилар ва шу заҳоти тажрибали мутахассиснинг маслаҳатини олдилар.

Иккинчи асбоб электрон ҳисоблаш машинасидан беморнинг лаборатория анализлари натижасини олиб бир неча секундан сўнг диагноз қўяди. мутахассис медикларнинг фикрига кўра, врачларга зарур бўлган маълумотларнинг лоақал чораги «электрон диагност»га тўлиқ тўғри жавоб бериш учун кифоя қилади.

Учинчи асбоб юрак операцияси вақтида беморнинг аҳволини автоматик назорат қилиб туради. Операция хонасига ўрнатилган махсус табло операция қилинаётган беморнинг аҳволи ҳақида 25 параметр (тана ҳарорати, томир уриши ва ҳоказолар) бўйича маълумотлар беради. Асбоб операциянинг боришини ёзиб туради. Агар беморнинг аҳволи кескин ёмонлашса ва ҳавфли ҳол юз берса, асбоб врачларни нур ва овоз сигналлари билан огоҳлантиради.

Электрон назоратчини миокард инфаркти билан оғриган беморларни кузатишда ва операциядан сўнгги аҳволини назорат қилишда қўлланиш мумкин.

Яқинда Ҳисоблаш марказида бу диагностика мосламаси «имтиҳондан ўтди». Эътиборли комиссия туғма юрак пороклари бўлган 30 дан ортиқ касаллик тарихини машина олдига қўйган эди. Ҳамма ҳолларда машина касалликни тўғри аниқлаб берди.

ДЖИВАН БАЛАГЕЗЯН.
АПН.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **«Қувноқ эстафета»**, 18.40 — **Телеянгиликлар**, 18.50 — **«Шоир ва замон»** (В. Маяковский асари асосида телекомпозиция). 19.35 — **«Оламда нима гап»** (Халқаро программа), 20.05 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.10 — **Телеянгиликлар**, 20.25 — **«Узбекистон чорвадори программаси»**, 20.45 — **«Таваккал Қодиров куйлайди»**, 21.35 — **«Уруш ва тинчлик»** (Бадиий фильм, 2 серия).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. **Немис тилидан 20-машғулот**, 18.30 — **Ота-оналар учун консультация**, 19.00 — **«Сиёсий иқтисод»**, 19.25 — **Инглиз тилидан 20-машғулот.**
20.00 дн — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Ҳужжатли фильм.**

Рус тилида: 20.20— **«Рус фантазияси** (Фильм-концерт), 20.50 — **«Том тоғанинг кулбаси»** (Телеспектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/II да **Ойжамол**, 6/II да **Сухайль ва Меҳри**, 7/II да **Русалка.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/II да **Олтинчи июль**, 6/II да **Бой ила хизматчи**, 7/II да **Шоҳ Эдип.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/II да **Фарҳод ва Ширин**, 6/II да **Жон қизлар**, 7/II да **Ажаб савдолар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/II да **Учинчи орзу**, 6/II да **Освенцим жаллодлари**, 7/II да **Учинчи орзу.**

КИНО

Хавфли гастроллар — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛИГИ», «ДРУЖБА», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Гўзал маликим (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ва кеч 8 да), «ЧАЙКА» (кундуз соат 2 да).

Шахмат новелласи — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Болаликнинг сўнгги кечаси — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Утган кунлар — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз соат 4.40 минутда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
8 февраль кундуз соат 2 да
4—6 СИНФ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН МУЗИКАЛИ ЛЕКТОРИЙ
1-АБОНЕМЕНТ БУЙИЧА. ТУРТИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ
ДУСТЛИК ТАРОНАЛАРИ
(СССР халқларининг ашула, музика ва рақслари).
Лектор — музикашунос АБДУРАШИД САИДОВ

«ТАШОВЛСАДВИНСОВХОЗТРЕСТ»ИННИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ СОВХОЗЛАРИГА
бош бухгалтерлар ва уларнинг ўринбосарлари, бўлимларнинг катта бухгалтерлари, умумий овқатланиш ошхонасига бош бухгалтери;
трест аппаратига катта бухгалтер-ревизор

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 30«а» уй (1, 4, 15, 18 трамвайлар, 12, 13, 38, 48, 69 автобусларнинг «Гагарин номли боғ» бекати).

23 ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 6-КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИГА
катта ишлаб чиқарувчилар, ишлаб чиқариш ишчилари, қурилиш усталари, ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар ва бўёқчилар (турар-жой берилади).

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Юқори Чирчиқ район, «Ўзбекистон» колхози.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Г.1574. ИНДЕКС — 64697 Р — 07977